JIZZAX VILOYATI PAXTAKOR TUMANI HOKIMI
Q A R O R I

2021 - yil 30 - dekabr 185-3-52-Q/21 Paxtakor tuman hokimligi

# Пахтакор туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 508-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4-апрелдаги 101-сонли «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 138-модда) ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Туман Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимлиги (Р.Маматкулов):

- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда қабристонларни зарур даражада сақлаш ва ободонлаштириш ҳамда ҳашарлар, хотирлаш кунлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

- санитария қоидалари ва меъёрларига риоя этган ҳолда қабристонларни очиш ва ёпишда қонунийликни таъминлаш, қабристонлар ташкил этиш учун ер участкаси ажратишни ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ

амалга оширсин.

3. Туман Ободонлаштириш бошқармаси ҳамда қабристонлар маъмурияти:

- хизматлар учун қатъиян белгиланган тарифлар бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда фуқароларнинг қабристонда кўрсатиладиган хизматларга доир буюртмаларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

- қабристонларда бюстлар, ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ёки алоҳида архитектура шаклига эга бўлган иншоотларни ўрнатиш, объектларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминласин.

4. Туман ҳокимлиги матбуот котиби (Р.Қурбонов), “Пахтакор ҳаёти” газетаси таҳририяти (М.Тўхташева) мазкур қарор ҳокимликнинг www.jizpaxtakor.uz расмий веб-сайтида ҳамда туман газетасида чоп этилишини таъминласин.

5. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Шодмонов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Ш.Бабаев**

Пахтакор туман ҳокимининг
2021 йил 30 декабрдаги
185-3-52-Q/21-сон қарорига
1-илова

# Пахтакор туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори

*сўмда*

| № | Хизмат тури | Ўлчов бирлиги | Маҳалла | Маҳалла |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Гўр қазиш | 1 ўринга | Бепул | Бепул |
| 2. | Тегишли диний конфессия қабристонида вафот этган яқинлари ва қариндошларини дафн этиш учун участка олиш | 1 ўринга | Бепул | Бепул |
| 3. | Маросим хизматларидан фойдаланиш | 1 кунга | Бепул | Бепул |
| 4. | Қабрга ва қабрусти ёдгорликларига қараш учун қабристон анжомларидан фойдаланиш | 1 ўрин/кунига | Бепул | Бепул |

***Mahallalarda narxlar tafovut qilishi mumkin, shu sababli ustunlar soni ikkita**.